

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Зиямухамедов Жасур Ташпулатович,
Тошкент давлат шарқшунослик университети,
хитой филология кафедраси доценти

ПУ СУНГЛИНГ НОВЕЛЛАЛАРИДА ҒАЙРИТАБИЙЛИК УНСУРИНИНГ ИФОДАСИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-2-46>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Хитойнинг машҳур новеллисти Пу Сунглинг ижодида ғайритабиийлик унсури кўриб чиқилади. Унинг новеллалари жаҳонда жуда машҳур бўлиб, кўплаб тилларда нашр қилинган. Ёзувчи яшаган даврда ва ундан кейин ҳам зиёлилар бу новеллаларни ўқидилар, кўча эртақчилари эса уларни жонли нутқ тилига айлантирдилар. Мазкур новеллалардаги сюжетлар сахналарда намойиш этилди, расмларда ва миниатюраларда ўз аксини топди. Пу Сунглинг новеллаларидаги муаллиф томонидан ғайритабиийлик унсурларининг берилиши мазкур мақоланинг бош ғояси ҳисобланади. Ляо Жай таҳаллуси билан ижод қилган Пу Сунглингнинг “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари” венында ёзилган бўлсада, унинг асари соддалаштирилган вены ва услубий жиҳатдан анча осон ва жўн бўлган оддий халқ тилини бир –бирига яқинлаштирганлиги туфайли ҳам бундай юксакликка эришган. Пу Сунглинг асарлари айнан ғайритабиийлик унсурларга бойлиги учун ҳам ёзувчи яшаган заминда ва кейинчалик бутун дунёда кенг танилиб, одамлар қизиқиши ва ҳурматга сазовор бўлди.

Калит сўзлар: мўъжиза, ғайритабиийлик, сеҳрли новеллалар, тулки, роҳиб, мўъжизавий туғилиш, совға қилинган сеҳрли нарса

Зиямухамедов Джасур Ташпулатович,
Ташкентский государственный университет востоковедения,
доцент кафедры китайской филологии

ДЕПИКАЦИЯ СВЕРХЪЕСТЕСТВЕННОСТИ В НОВЕЛЛАХ ПУ СУНГЛИНГА

АННОТАЦИЯ

В статье будут затронуты вопросы изображение сверхъестественности в произведениях известного китайского писателя Пу Сунглинга. Его новеллы, пользующиеся популярностью во всем мире, были переведены на разные языки и опубликованы. Его современники и другие образованные люди до сих пор восхищаются его произведениями и с удовольствием их читают. Сюжеты в этих новеллах исполнялись в сцене, а также изображались в картинах и миниатюрах. Выделение признаков сверхъестественности в новеллах Пу Сунглинга является основной идеей данной исследовательской статьи. Несмотря на то, что Пу Сунглинг, писатель, работавший под псевдонимом Ляо Джай, писал «Рассказы о приключениях Ляо Джая» на вэньяне, его произведения приобрели

популярность благодаря упрощению языка и стиля. Поскольку литературное наследие Пу Сунлинга было полно признаков сверхъестественности, оно было известно как среди его современников, так и среди других писателей по всему миру.

Ключевые слова: магия, сверхъестественность, волшебные новеллы, лиса, священник, магическое рождение, магический дар.

Ziyamukhamedov Jasur Tashpulatovich,
Tashkent State University of Oriental Studies,
Associate Professor of the Department of Chinese Philology

DEPICTION OF ECCENTRICITY IN NOVELLAS BY PU SUNGLING

ANNOTATION

In the article below, depiction of oddity, in the works by a well-known Chinese novelist-Pu Singling, will be touched upon. His novellas, being popular around the world, have been translated into different languages and published as well. His contemporaries and other well-educated people do admire his piece work and enjoy reading them while folklorists adopted these novellas. The syuzhets in these novellas were performed in the scene as well as depicted in paintings and miniatures. Pu Sungling's delineating the signs of eccentricity in his novellas is the main idea of this research article. Even though Pu Sungling, the novelist worked under pseudonym Lyao Jai, wrote "Short stories about Lyao Jai's adventures" in wenyao, his work gained popularity since the language and style was simplified. Because Pu Sungling's literary heritage was full with the signs of eccentricity, it was famous both among his contemporaries and other writers around the globe.

Key words: magic, eccentricity, magic novellas, fox, clergyman, magical birth, magical gift.

Кириш. Ўрта аср адабиётидаги фантастикани тасниф этиш муайян мураккабликка эга. Зеро, ўрта асрларда ҳам хитой адиб ва олимлари ўтмиш маданиятдан мерос қолган қонуниятлар тўсиғига дуч келишлари табиий эди. Замонавий фантастика эътиборини тортиган адабиётда ушбу муаммолар кўринишларини, қадимги ҳикояларнинг ўзгарган шаклларини идрок этиб улгурилмаган нарсаларни идрок этишнинг янги босқичини ташкил этувчи гипотеза ва ғояларни кўриш мумкин. «Мўъжиза» – ғайритабиий ҳодиса демакдир. «Ҳайратда қолдирадиган» деганда, ғайритабиий нарсаларни табиий воситалар билан тушунтириш назарда тутилади. Шу маънода, хитой адабиётининг таниқли вакили Пу Сунглинг (蒲松龄) маълум даражада муваффақиятларга эришди. «Тулки афсунлари» (狐魅) асарини фантастикани оламни англаш ёки инсоншунослик йўлидаги уриниш деб ҳисоблаш мумкин. Пу Сунглинг қаламига мансуб сеҳргарлик мавзuidaги новеллалар ўзидан олдинги даврлардаги бу жанр намуналарининг хос жиҳатлари ва асосий мотивларини сақлаб қолган.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Россиялик хитойшунос олим В.М.Алексеев Пу Сунглингни ғайритабиий нарсаларни новеллаларда чиройли баён этган ёзувчи сифатида хитойшунослар орасида юқори баҳолайди.[3;Б.38] Пу Сунглингнинг адабий услуби ҳақида ҳам гапирганда яна бир россиялик олим П. М. Устин унинг маҳорати ва тили борасида ҳам айрим фикрларини билдиради. Жумладан у шундай дейди: "Уларда эски сюжетларга хос фантастик унсурлар ва ҳаётий материал орасида зиддиятлар майдонга келади, кенг тарқалган ишқий мавзу иккинчи даражали аҳамият касб этиб, ижтимоий мавзу унинг йўлини тўсиб қўяди [13; Б.46]. Шуни ҳам айтиш керакки, Пу Сунглинг новеллаларида жанрнинг тузилиши, таркибий қисмлари, персонажлар силсиласининг классик чизгиларини белгиловчи сюжет вариантлари тўлиқ сақланиб қолган. Айрим унсурлар ўзгаришга юз тутгани, бошқаларига эса кўпроқ аҳамият берилиши натижасида сюжет ўзгача идрок этила бошлади. Пу Сунглингнинг сеҳрли новеллаларида қаҳрамон дуч келадиган вазиятларда, гарчи аввалгилар сингари фантастик унсурлар устуворлик қилса-да, янги мавзу – зўравонликка асосланган оламда инсон тақдири мавзуси майдонга келиши туфайли баён тарзи ҳам бошқача тус олди.

Ғайриоддийлик, ҳайратланарлилик, тушунтириб бўлмаслик унсурлари Пу Сунглинг ҳикояларининг доимий ҳамроҳи. Бундай унсурлар ёзувчининг фақат ғайритабиий ҳодисалар хусусидаги ҳикоялари («Тулки афсунлари») дагина эмас, балки ғайритабиий персонажлар қатнашмайдиган ҳикояларида ҳам мавжуддир.

Бу мўъжизавийлик мўъжиза кўрсата оладиган инсон қиёфасида, сеҳрли жисм шаклида, ўнгидан келадиган туш, башорат қилиш, хуллас, фольклорнинг деярли барча мотивлари тарзида намоён бўлади. Бироқ, энг қизиғи, Пу Сунглинг ижодида шундай ҳикоялар ҳам учрайдики, уларда қандайдир ғайриоддий нарса (мўъжиза) персонаж танг аҳволга тушиб қолганида, ғалати, аммо руҳий жиҳатдан асосланган ҳаракатлар тарзида намоён бўлади. Бунга кўра Пу Сунглинг тўпламнинг номланишида зикр этилган «чи» ғаройиб сўзи бирмунча кенг, яъни фақат «мўъжиза»гина эмас, балки вазиятнинг фавқулоддалигини билдиради. [16; Б.88]. Пу Сунглинг новеллаларининг этнографик ва фольклористик характерга эга. Халқ ақидалари ва уларга алоқадор урф-одатларни акс эттириш кўп ҳолларда ижодкор новеллаларининг муқаддима қисмини ташкил этади. Жумладан, «Шуйман гиёҳи» ҳикояси муқаддимасида қизил гулли заҳарли гиёҳ тасвирланган. Халқ афсонасига кўра, бу ўтти татиб кўрган одам ўлади ва ажинага айланиб қолади, бошқа бирор киши шу ўтдан ўлгандан кейингина у қайта тирилиши мумкин. [19]

Ёки бошқа мисол: Янцзы ва Хань дарёлари оралиғида яшайдиган аҳолининг Сипей ибодатхонасига қурбонлик қилиш одатлари бор. «Рақс орқали руҳларни чақириш» новелласида фол очиш усуллари батафсил ҳикоя қилинади, «Юнь Цуйсянь» ҳикоясида Тайшань тоғига зиёрат қилиш маросими тасвирланади. Жумладан, ёзувчи қайиқларни тасвирлар экан, айти пайтда уларнинг «аждаҳо қайиқлари» деб номланганликлари – қайиқларнинг куйруғига болалар сувга сирғалиб тушиши учун тахталар боғланганлиги сингари ҳодисаларни турли-туман этнографик тафсилотлари билан батафсил баён қилади.

Пу Сунглинг жаҳон фольклорида маълум ва машҳур бўлган мотивлардан ҳам унумли фойдаланган. Жумладан, «мўъжизавий туғилиш», «совға қилинган сеҳрли нарса» каби мотивларни юқорида ҳам қайд этган эдик. «Мўъжизавий ҳомила» мотиви «Ўлмас Су» новелласида учрайди, яъни қиз йўсин қоплаган улкан тош устида кир ювиб ўтириб, уйга қайтгач, ҳомиладор бўлиб қолганини сезади. Бир қатор новеллаларда эса ўзга оламда кўлга киритилган олтиннинг бу дунёда ахлатга айланиб қолиши ёхуд «Осмондан тушган пуллар» новелласида бўлганидек, олтин ва кумушларни ғайритабиий мавжудотдан ҳам олиш мумкинлиги сингари кенг тарқалган мотивларни учратиш мумкин. Мисолга мурожаат этамиз:

“Бир ёш олим киши бўлган экан. У эртаю-кеч бошини китобдан кўтармай илм билан машғул экан. Бир куни китоб ўқиб ўтирса, дарвозани кимдир тақиллатибди. Дарвозани очса, қадимги кексаларнинг кийимини кийган бир қариянинг дарвоза олдида турганини кўрибди. Олим дарров қарияни уйга таклиф қилибди. Шунда қария ўзини таништириб: “Менинг исмим Ху, тулки зотларининг пири бўламан. Эшитишимча, сен илмнинг кетидан қувиб жуда кўп китоб ўқир экансан, шу боис сенинг суҳбатингни бир олай деб келдим”,- дебди. Шу тарзда олим қария билан суҳбатни давом эттирибди. Суҳбат жараёнида олим бу кексанинг билимдонлигидан қопил қолган бўлса-да, унинг пирлар зотиданлигига умуман аҳамият бермаган ҳолда уни уз уйида қолишига ва суҳбатдош бўлишига кўндирибди.

Бир неча кунлар ўтгандан сўнг, суҳбат жараёнида олим аста-секин ўз дарди, мақсадига ўтиб қарияга қарата гап бошлабди: “Сиз билан биз жуда ҳам яхши муносабатда бўлиб қолдик, гапнинг очиғини айтганда, менинг шарт-шароитимни кўриб турибсиз. Мен жуда камбағал яшайман, мана бу аҳволдан чиқиш учун менга озгина ёрдам бериб юборсангиз ёмон бўлмас эди! Чунки, сиз- тулкилар пири, қобилятингиз шунчалик юксакки, агар кўлингизни бир силкитсангиз борми, олтин пуллар сизга қараб ўз-ўзидан ёғилиб келади”.

Буни эшитган қария уйга толибди ва анчагина вақт ўтгандан кейин жилмайиб: “Албатта, бу ишнинг мен учун ҳеч қандай қийин жойи йўқ, фақат ўн сардан ортиқроқ, пул дастмояси бўлса кифоя”,-деб жавоб қайтарибди.

Дастмояни олим дарров топиб келибди. Бундан қаноатланган қария олим билан бир бўш хонага кирибди. Қария ўтириб кўзларини юмиб олиб, куф-суфлаб дуо ўкиб, илтижо қила бошлабди. Бироз вақт ўтар-ўтмас осмондан сон-саноксиз пуллар “жаранг-журинг” қилиб шаррос ёмғирдай ёғила бошлабди. Куп ўтмай ёғётган пул турган олимнинг тиззасига етибди. Пулнинг ичида кўмилиб қолмайн деб андишага тушган олим эндигина оёғини пулдан чиқариб олган экан, пул уни яна кўма бошлабди ва бир пасда тўпиғига етибди. Буни кўрган қария “Энди етар?” деб олимдан сўрабди, “Етади, етади”,- деб бақарибди у. Олимнинг жавобини эшитган қария қўлини кутариб бир силтаган экан, ёғётган пул тўхтабди. Қария ва олим хонадан чиқишибди. Уйни қулфлаётган олим шунчалик кўп бойликни куриб хурсанд бўлиб, “Мен бирдан давлатмандга айландим-а!» - деб ширин хаёлларга берилибди.

Иккинчи куни эрталаб олим харажатга бироз пул олай деб хонага кирса, кеча кўзни олиб, ялтираб тўлиб ётган пулларни кўрмабди. У ерда факат ўзи дастмоя қилиб берган пулларнигина курибди. Бундан ғазабланган олим қария билан жанжал кўтариб, уни ҳақоратлаб, «кўзбўямачи» деб уни айблабди. Олимнинг бу қилмишлари қариянинг ғазабини кўзғабди ва у бу уйни тарк этишга мажбур бўлибди. Олим билан хайрлашаётиб унга: “Сени кидириб келишимнинг сабаби, сен билан бирорта жиноятга қўл уриш эмас, балки илм ва фан устида изланиш ва фикрлашиш эди. Сен эса мени ўзингнинг ёмон ниятларингга амалга ошириш учун гуноҳга чорладинг. Нафснинг кетидан юрмоқчи булсанг, ўзингга ўхшаганларни топ, мен сен каби нопокларга ёрдам беролмайман», - дебди-да, ўз йўлига равон бўлибди.” [16; Б.143].

Пу Сунглинг новеллаларининг ёзма адабиёт билан бир қаторда, фольклор анъаналари ҳам яққол намоён бўлган яна бир ўзига хос жиҳати – макон ва замон чегараларининг олиб ташланганидир.

Ёзувчи асарларида сеҳргар тулки образини жуда фаол қўллайди. Сеҳргар тулки талабани ўзи билан дўстлар зиёфатига олиб кетади ва бир неча дақиқада улар минг ли масофани босиб ўтадилар («Хэцзян талабаси»). Сеҳргар тулки ўзини хафа қилган талабани судраб, осмони фалакка олиб чиқади ва ерга ташлаб юборади, у уйдан 400 ли узоқликда ўзига келади («Чжэдунлик талаба»).

Тадқиқот методологияси. Мазкур мақоламизда қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда кузатув ва таҳлил усулларида унумли фойдаланилди. Пу Сунглинг XVII – XVIII асрлар роман ва қиссалари муаллифларидан фарқли ўлароқ, ўз қаҳрамонларининг маънавий ҳаётини у ёки бу ҳолатнинг инсон қалбида қандай туб ўзгаришга сабаб бўлгани, феъл-атвори шаклланишига таъсирини деярли тасвирламайди. Пу Сунглингнинг ҳаётни чуқур таҳлил қила олиш қобилияти унинг қаламига мансуб “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари”(聊斋志异) идаги новеллаларни мисолида яққол акс этади.

Таҳлил ва натижалар. Пу Сунглинг новеллаларидаги ворисийликни, улардаги мотивлар, мавзулар, сюжет вазиятларининг такрорланишини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Пу Сунглингнинг «Тулки афсунлари» тўпламидаги деярли барча новеллалар айна бир хил сюжет чизигини акс эттиради: инсон ғайритабиий кучга дуч келади – бу куч қиёфасини ўзгартирадиган сеҳргар тулкидир. Учрашувнинг қандай вазиятда юз берганлиги, инсон учун оқибатлари ва, асосийси, бу вазиятда, инсон ўзини қандай тутиши сюжетнинг янги вариантларини ташкил этади.

«Тулки афсунлари» тўплами новеллаларидаги сеҳргарларни тасвирлашда ёзувчининг уларга хайрихоҳлиги кўриниб туради. Тулки-киз образи бунга мисол бўла олади. Бироқ биз бу ўринда тулкига айланган аёлни эмас, балки аёлга айланган тулкини кўрамиз. Зеро, сеҳргарлар олами инсоний эҳтирослар оламини акс эттирса-да, бироқ у доимо инсонлар оламидан ажратилган бўлиб, урф-одатга риоя қилмаслик кишини доимо инсоният дунёсидан сеҳргарлар оламига ўтиб қолишга маҳкум этади.

Шу нуқтаи назардан «инсоннинг сеҳргар билан учрашуви» сюжетиға қайта мурожаат қилиб, баъзи вариантларини кўриб чиқайлик. «Жодугар Лян Шянг» новелласида Цзи-мин лақабли Санг Сяо деган талаба тулкидан кўркмайман деб доимо маҳмадоналик қиларди.

Кунлардан бир кун талаба ўртоғи унга ҳазиллашиб:

– Сен бир ўзинг яшасанг, нахотки тулкидан кўркмайсан, – деди.

– Йигит киши ажинадан ёки тулкидан кўркмайди, – дея жавоб берди Сан Сяо.

Ҳазил-мазахни хуш кўрадиган талаба Танг ўртоқлари билан тил бириктирди ва деворга нарвон қўйиб, бир шўх қизни нарвондан чиқиб, Саннинг уйига киришга ундадилар. Сан уни кўриб, кўркқанидан тишлари такиллаш бошлади. Қиз эса жўнаб қолди. Қўшни талаба эрта тонгда Саннинг уйига кирди. У кечаси кўрганларини гапириб берди ва бу ажиналар масканини тарк этажагини айтди.

Шу ўринда ғайритабиий мавжудот ва унинг кўринишлари билан учрашув сюжетидан бир оз чекиниб, «Тулки афсунлари» тўпламидаги асосий персонажлардан бири бўлган хитой сеҳргарларининг типик сиймоси ва ўзига хосликлари хусусида баъзи мулоҳазаларни ўртага ташлаш эҳтиёжи сезилади.

Юқорида таъкидланганидек, Пу Сунглинг новеллаларида фантастика мавжуд. У ҳатто шунчаки мавжуд эмас, балки новеллалар фантастик руҳ билан суғорилган, фақат у иккинчи планда қолгандек таассурот ҳосил қилади. Маълумки, сеҳргарлар, одатда, тулкилар, илонлар, марҳумлардир. Хитойларда сеҳргарларнинг хизматкори ҳам бўлади («Кулгили Йин Нин»), улар аёл қиёфасига киради («Тўртинчи Ху»), Тулки қизини узатади, («Жодугар Лян Шянг»). Улар севиб қолади, садоқатли бўлади, бироқ, охир-оқибат кулфат келтиради. [18]

Маълумки, сеҳргарлар ҳақидаги ҳикоялар Европа ва Шарқ халқлари, шунингдек, ўзга халқлар фольклорида ҳам кўплаб учрайди. Ўзбек ва рус фольклорида одамлар от, қурбақа, қўй, ўрдак, қайин, урчуқ ва бошқа нарсаларга айланиб қолади. Араб эртақларида ҳам бошқа нарсага айланиб қолиш ҳолати кўплаб учрайди. Одатда, ялмоғиз кампир қаҳрамонни ҳайвонга айлантириб қўяди. «Минг бир кеча»да бутун бошли бир шаҳар рангли балиқчаларга айлантириб қўйилган, охир-оқибат, сеҳр-жоду йўқолиб, улар ўз ҳолига қайтадилар. Хитой ривоят насрига халқ оғзаки ижоди 平话 «Пинхуа» катта таъсир кўрсатди.

小说«сяошо» адабиёти (小说 «сяо» иероглифи – кичик, жузъий маъносида) сўз санъатининг бошқа соҳаларига фольклор элементлари оқиб кирадиган асосий ўзан ҳисобланади. Сеҳрли эртақлар ўзининг ранг-баранг ва дадил фантазияси, ғайритабиий ҳолатлар ва уйдирма саргузаштларга бойлиги, ҳаётбахшлиги ва юмори билан кейинги барча хитой новелланавислиги ривожига самарали таъсир кўрсатди. Ўрта аср хитой филологлари тилида «чуанчи» яъни сеҳрли нарсалар ҳақида ҳикоя қилиш деб аталадиган қадимий новелланавислик асарларини алоҳида қайд этмоқ лозим. Бу атама билан филологлар сеҳрли новелла жанрига таъриф беришга ва унинг ўрта асрдаги бошқа ривоя жанрларидан фарқини кўрсатишга ҳаракат қилганлар. Асрлар ўтиши билан «сяошо» ривожланиб, унда бир қатор жанрлар шаклланиб борди. Новелла пайдо бўлди, жумладан, 传奇 “Чуанчи”, сеҳрли новелла жанри майдонга келди. Чуанчи насри намуналари мазмунан хилма-хил бўлиб, бадиий жиҳатдан ҳам бир хил савияда эмас. Унинг ўзига хослиги мўъжизалар ҳақидаги ҳикояда бўлиб, уларнинг жуда кўп қисми бизгача етиб келган. Улар бадиий қайта ишланган тарихий ва маиший сюжетлар, ниҳоят, шакл жиҳатидан тарихнависликдаги шахслар ҳаёт йўллариға яқин келадиган нақллардан иборат.

Хитой ривоя насри юзага келган даврнинг дастлабки босқичидаёқ жуда кўп асарлар яратилди. Бизгача қатор тўпламларнинг номлари етиб келган бўлса-да, уларнинг кўпчилиги йўқолган, сақланиб қолганларининг ҳам кўплари тўла эмас. Уларнинг энг машҳурлари – «Мўъжизалар ҳақида ҳикоялар» бўлиб, унинг муаллифи Вей сулоласидан бўлган ҳукмдор Вэн Ди (226-274) ёки адиб Чжанг Хуа (232-300) деб тахмин қилинади, Чжан Хуаннинг «Ғалати ҳикоялар»и, Ган Баонинг «Рухлар ҳақида ёзувлар» асари, «Рухлар ҳақида ёзувлар»нинг давоми – унинг муаллифи Тао Юан Минг деб тахмин қилинади. Го Хуаннинг

«Авлиёлар ва умрбоқийларнинг ҳаёт йўли» асари, Лю Ичингнинг (403-444) «Зулмат ва нур қиссаси» ва «Миш-мишларнинг янгича талқини», Хань Дань Шуньнинг «Табассумлар ўрмони», Хоу Бонинг «Табассум уйғотувчи ёзувлар» асарлари ва бошқалардир. XI асрда яратилган «Буюк осойишталик йилларининг батафсил ёзувлари» номли фундаментал тўпламда мўъжизалар ҳақидаги қадимий ҳикоялардан жуда кўпи сақланиб қолган. Янги хитой адабиётининг асосчиси, машҳур олим ҳамда қадимги хитой насрининг йиғувчиси ва билимдони Лу Синь (1881-1936) уларнинг кўпчилигини деярли сўзма-сўз тўплашга муваффақ бўлди. Хитой эртак ва новеллаларида эса сеҳр-жоду оқибатида қиёфаси ўзгарганлар ўз ҳолига қайтмасликлари билан бошқа адабиётлардагидан ажралиб турадилар. Европа ва араб фольклорида унчалик кўп учрамайдиган сеҳр-жоду таъсирида қиёфаси ўзгарган ёвуз кишилар, охир-оқибат, қаҳрамонона жасорат кўрсатиб, ўзларини оқлайдилар.

Ҳаётдаги турли ғаройиб воқеаларни акс эттирган, аммо бир хил вазиятда турли кишиларнинг ўзини қандай тутиши, айниқса, бу ўзини тутишнинг персонажлар характери билан алоқадорлигига қизиқмаган қадимий ҳикояларнинг муаллифларидан фарқли ўлароқ, Пу Сунглинг қаҳрамонларнинг муайян вазиятда ўзини қандай тутиши билан қизиқиши диққатга сазовор. Шу боисдан ҳам воқеа-ҳодиса тасвири билан бир қаторда, инсон хатти-ҳаракатларининг рухий омиллари ҳам адиб учун муҳимдир. Унинг қаҳрамони олдиндан белгиланган характериға мувофиқ бўлса ҳам, аммо, асосан, олдинги ҳаёти билан боғлиқ бўлмаган муайян эпизодда намоён бўлади.

Хатто юқорида келтирилган новеллада бўлганидек, қаҳрамоннинг характери ўзгарганда ҳам, бу бурилиш бир зумда юз беради ва муайян жараён сифатида эмас, балки аввалига Юйнинг дуохон топиб келиб, туморлар ёздириши, кейин бадбашара тулки аёлдан кечирим сўраши сингари мавжуд ҳолат тарзида акс эттирилади. Бу жараён, бизнингча, муаллифнинг хусусийликка эмас, балки муайян шахс ҳаётини тасвирлашга эътиборни истисно қиладиган умумийликка қизиқишини акс эттиради. Бинобарин, Пу Сунглингни, одатда, бирор киши ҳаётида рўй берадиган ғаройиб воқеалар ёки тушунтириш қийин бўлган ҳолатлар, ахлоқий ҳулоса учун асос ёки панд-насихат учун далил сифатида қизиқтиради.

Кўпинча насихат муаллифнинг ўзи ёки «ғаройиботлар тарихнависи» номидан «ғаройиботлар тарихнависи айтишича, ҳикоя қилишича»... тарзида баён қилинади. Айрим ҳолларда эса ибратли хотима асарда рўй берган воқеа-ҳодисанинг муқобил изоҳини тавсия қилади. Жумладан, «Хо исмли қиз» новелласида тунда кимсасиз ялангликда кетаётган ёш жувон ортидан шиддат билан яқинлашиб келаётган кишининг қадам товушларини эшитиб, ўзини осган кишининг арвоҳи қилиб кўрсатади ва таъқиб қилувчини ҳушидан кетгулик даражада кўрқитиб юборади. Эртасига қўшни кишлоқлик бир йигитнинг тунда ўзини осган аёлнинг арвоҳига дуч келиб қолиб, ақдан озганини эшитади. Пу Сунглинг новеллани «эхтимол бу ҳодиса йигитнинг қаттиқ кўрқиб кетганидан фойдаланиб, иблис унинг вужудини эгаллаб олгани сабабли рўй бергандир, яна ким билади дейсиз», – деган ўзига хос хотима билан якунлайди.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турганидек, Пу Сунглинг «хотима»си кўп ҳолларда маънавий-ахлоқий моҳият касб этади:

«Мен шундай демоқчи эдимки, осмондагилар сафига яна битта авлиё қўшилганидан кўра, ер юзида битта донишманд, битта арзигули одам пайдо бўлгани яхши». Ёки «Будда айтишича, давлатни ўзинг билан олиб кетолмайсан, жисминг ортидан фақат бу дунёда қилган ишларинг боради».

Пу Сунглинг новеллаларида фантастика воқеликнинг ўзига хос йўналтирувчиси бўлиб хизмат қилади, бироқ тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, унда фош этиш унсурлари билан дидактика белгиловчи роль ўйнамайди. Айниқса, «Тулки афсунлари» бу борада фикримизнинг яққол далилидир. Бинобарин, ушбу новеллаларда асосий нарса муаллиф хаёлот оламининг халқ реал тасаввури доирасидаги парвозидир.

Пу Сунглингнинг кўпгина ҳикояларида, юқорида таъкидланганидек, халқнинг ғайритабиий кучлар ҳақидаги тасаввурлари акс этган. Бундан ташқари, уларда хитойликларнинг архаик ақидалари унсурлари ҳам намоён бўлади. Бундай ҳолларда гўё

ҳикоянавис Пу Сунглингдан филолог-этнограф Пу Сунглинг устун келаётгандек. Бу унсурларни муайян тизимга жамламоқчи бўлсак, унинг қадим хитой диний тасаввурлари йиғиндисидан ўзга нарса эмаслиги маълум бўлади. Л.С.Васильев таъкидлашича, Хитойдаги ривожланган динлардан фарқли ўлароқ, «барча ибтидоий ақида ва иримлар янги тизим доирасида ўзгаришсиз яшаб келаверди ва кўпинча ўзларининг ўша ибтидоий шакллари сақлаб қолаверди»[14; Б.377]. Пу Сунглингнинг «Сеҳргар роҳиблар» тўпламидаги кўпгина ҳикоялар «тирик-ўлик» муқобил ҳолатига асосланган. Бу ўликлар руҳи тўғрисида барқарор тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Шундай қилиб, дафн этилмаган ёки чала қўмилган марҳумлар кўпинча ёвуз арвоҳ (ажина)ларга айланадилар, айбдорлардан ўч олади («Қулгили Ин Син», «Жодугар Линь Сян») , марҳумнинг руҳи бошқа ўликка жойлашиб олиши ёхуд бошқа одамнинг жисмида қайта туғилиши мумкин («Хен Нянь муҳаббат қадаҳлари ҳақида», «Чжень ва унинг сеҳрли тоши») ; марҳумлар руҳи ўз яқинларининг ҳаётини кузатади («Роҳиба келин Чэнь Юнь-чи»).[18]

Пу Сунглинг ҳикояларида ёруғ дунё инсон зотида касаллик юбориб турадиган иблис ва ажиналар, қиёфасини ўзгартира оладиган тулкилар билан тўлиб-тошган («Таҳқирланган Ху», «Шароб қурти», «Бадбашара тулки»). [18] Одамлар иблис ва ажиналардан турли хил тумор, лаънатлар, қиём(шарбат)лар ёрдамида қутулиши мумкин, шунингдек, ажиналарни калтак, тош, ўқ-ёй билан бўйсундириш ҳам мумкин.

Қадимги хитой ирим-сиримлари ва ақидалари ушбу унсурларининг йиғиндиси Пу Сунглингни халқ ақидалари ва диний тизимнинг қуйи даражаси, яъни асл хитойча, халқчил ҳамда ўзга муҳитдан кириб келмаган қисми қизиқтирган, деган хулосага келиш имконини беради. Пу Сунглинг ҳикояларида ҳар хил худоларнинг деярли учрамаслиги ҳам шундан.[20]

Хулоса ва таклифлар. Муаллиф асарларида панд-насихат тарзидаги хулоса, асосан, «қиссадан ҳисса» тарзидаги хотималарда акс этади. Жумладан:

- «Ҳар қандай бойлик меҳнат билан тўпланади. Бу ерда эса унга ялқовлик билан эришилмоқда. Бундай бўлишини биринчи марта эшитишим».

- «Тулкининг иши турган-битгани айёрлик ва ўта хиёнаткорликдир. Шу боисдан ҳам бу никоҳга ҳар иккала аёлнинг муносабати бир хил. Бинобарин, бу никоҳдан мақсад уddaбуронлик ва лақиллатишдир».

- «Шуни ҳам айтиш керакки, агар эр хотинини деб, унинг отасини қутқарса, шу яхшиликнинг ўзи кифоя эди» .

- «Аслида, оламда битта соҳибжамол қизни қидириб топишнинг ўзи ҳам амримаҳол. Шундай экан, у қандай қилиб бирварақайига иккита гўзални топибди? Ёхуд Даос – авлиёмикин? Бундай ҳурилоқ хотинни у қаердан топди? Шундай қудратинг бўлса, хунук аёл билан ҳам гапинг бир жойдан чиқаверади». [18]. Келтирилган мисоллар Пу Сунглингнинг фольклор ҳазинасидаги «тайёр» мотивларни қанчалар кўп ишлатганини кўрсатибгина қолмай, у яшаган пайтгача сақланиб қолган халқ ақидаларининг нечоғлиқ барқарор бўлганидан ҳам далолат беради. Бинобарин, сеҳргар хотинга уйланиш фольклор мотиви асос бўлиб хизмат қилган новеллаларда энг архаик тасаввурларнинг қолдиқлари гарчи Пу Сунглинг ижодида ўзининг ёрқин талқинини топган бўлса-да, айтиш мумкин, ушбу новеллалардаги ишқий моҳаббатнинг бир хил бўлиб қолишига олиб келган. Шунинг учун ҳам уларнинг барчасида бир хиллик кузатилади. Назаримизда, сюжетнинг барқарор ўзаги, асосини ёзувчи ўзгартириб бўлмайдиган нарса деб ҳисоблаган.

«Син Цзининг хотинлари» новелласи ҳам анъанавий фольклор мотивлари ва адабий матнлардан фойдаланишнинг Пу Сунглингга хос намунаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Новелла ўша руҳ-қизга уйланиш ва ундан кейин содир бўладиган қаҳрамоннинг тақдирланиши мотиви асосига қурилган. «Син Цзини қаттиқ қўрқувдан уйғониб кетди. Қараса, тонг ота бошлабди. Эндигина қўйлагини силкиб тўғрилай бошлаган эдики, унинг қатларидан, кўрпа устига қандайдир нарса сирғалиб тушди. Не кўз билан кўрсинки – ғаройиб билақузук» . [18]

Мазкур мақоламиз юзасидан биз қуйидаги таклифларни беришимиз мумкин:

1. Пу Сунглинг XVII аср ва XVIII аср бошлари хитой адабиётида новелла ёзиш мактабининг асосчиси дея эътироф этиш лозим.
2. Унинг турли жанрларда яратган бой ижодий меросини ўрта аср хитой адабиётининг юксалишига улкан ҳисса асосий манба деб ҳисоблаш ўринли.
3. Пу Сунглинг новеллаларининг сюжети, тузилиши ва ғояси XVII-XVIII аср хитой адабиётида том маънода янгилик дея қабул қилиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алексеев В. М. Труды по китайской литературе. Кн. 1-2. М., 2002
2. Алексеев В. М. О Пу Сунлине //В кн.: Пу Сунлин. Рассказы о людях необычайных. — М.: Правда, 1988.
3. Алексеев. В.М. Китайская литература. Академия наук СССР институт востоковедения. Издательство «Наука», главная редакция восточной литературы. М.: 1978.
4. Китайская литература //История всемирной литературы. Т.5. — М., 1988.
5. Фишман О. Три китайских новеллиста XVII—XVIII вв.: Пу Сун-лин, Цзи Юнь, Юань Мей. М., 1980.
6. Пу Сун-лин. Странные истории из кабинета неудачника (Ляо Чжай чжи и) /Пер. с кит. В. М. Алексеева. Сост. М. В. Баньковской. — СПб.: Центр «Петербургское Востоковедение», 2000. — 784 с.
7. Пу Сун-лин. Рассказы Ляо Чжая о чудесах. — СПб.: Азбука, 2000. — 400 с.
8. Пу Сун-лин. Монахи-волшебники. Рассказы о людях необычайных /пер. с кит. акад. В. М. Алексеева. Под ред. Н. Ф. Федоренко. — М.: ГИХЛ, 1957. — 564 с.
9. Пу Сун-лин. Новеллы / Пер. с кит. П. М. Устина, А. А. Файнгара. Под ред. Л. Д. Позднеевой. — М.: Художественная литература, 1961. — 384 с.
10. Пу Сун-лин. Рассказы Ляо Чжая о чудесах / Пер. с кит. акад. В. М. Алексеева. Сост. Л. З. Эйдин. — М.: Художественная литература, 1973. — 576 с.
11. Рифтин Б. Л. Новеллы Пу Сун-лина (Ляо Чжая) в переводах академика В. М. Алексеева // Восточная классика в русских переводах: обзоры, анализ, критика. М.: Вост. лит., 2008, с.113-203
12. Соловьева А. В. К 80-летию Б. Л. Рифтина // Живая старина. 2012. № 3. С. 60.
13. Устин П.М. Пу Сунлин и его новеллы. М., 1981;
14. Васильев Л.С. Культы, религии, традиции в Китае. — М., 1970.
15. Воскресенский Д.Н. Эссеистическое творчество Пу Сунлина //Воскресенский Д.Н. Литературный мир средневекового Китая. М., 2006, с. 545—561;
16. Зиямухамедов Ж. Пу Сунглинг ва ўрта аср хитой новеллалари. —Т.: Чўлпон, 2016.
17. Зиямухамедов Ж., Шамшиева З. Ляо Жай (Пу Сунглинг) новеллалари. (Хитой адабиёти бўйича хрестоматия). Тошкент. 2012.
18. <http://m.sbkk8.com/gudai/gudianshenmozhuiguaixiaoshuo/liaozhaizhiyibai/>
19. <https://baike.baidu.com/item/%E8%92%B2%E6%9D%BE%E9%BE%84/28998>
20. <https://blogs.loc.gov/international-collections/2018/10/the-strange-foes-from-liaozhai/>